

сиртқи таълим шаклига – 19 985 нафар этиб 2-иловага мувофиқ;

кечки таълим шаклига – 1 985 нафар этиб 3-иловага мувофиқ;

б) магистрлар тайёрлаш бўйича – 7 695 нафар этиб 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан 2019/2020 ўқув йилида соғлиқни сақлаш, маданият ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) икки ҳафта муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифлари асосида 2019/2020 ўқув йилида халқ таълими соҳасида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини тасдиқласин.

5. Қуйидагилар:

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ;

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кечки таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасаларига 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.